



Жалқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 26 март, № 60 (5227)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шу йил 25 март кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси очилди.

Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини кун тартибининг асосий масаласи — «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентини Исро Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳақида» мавзусида баён этилган, моҳияти жиҳатидан давлатимизни демократик ри- вожлантириш, фуқаролик жа- миятини қуришда янги босқични бошлаб берган қонунчилик ташаббусларига мубо- фик ишлаб чиқилган ва қабул қилинганлигини таъкидлади- лар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар давлат хоки- мияти ва бошқаруви тизими- ни янада демократлаштириш, давлат хоқимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чикарувчи ва ижро этувчи хоқимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимлани- шини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий, ижти- моий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакат- ни янгилаш ва модернизация қилишда парламентнинг, сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадига киритилмоқда.

Қонунга мубофик, Ўзбеки- стон Республикаси Конститу- циясининг 98-моддасига Бош вазир номзодини кўрсатиш ва тасдиқлашни янги, демократ- тик принципларга жавоб бе- радиган конституциявий тар- тибни киритилмоқда. Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги энг кўп де- путатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан кўрсатила- ди. Бундай тартиб, сенатор- лар муҳокама асосида кўрса- тиб ўтганларидек, мамлакат- ни демократик янгилашда ва модернизация қилишда парламентнинг, шунингдек, сиёсий партияларнинг роли кучайтиришга олиб келади.

Сенаторларнинг фикрича, Конституцияга киритилаётган бошқа тузатишлар ҳам муҳим принципал аҳамиятга эга. Чунончи, мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимига ишончсиз- лик хотини институт киритил- моқда. Бунда Бош вазир ва Олий Мажлисининг Қонун- чилик палатаси ўртасида док- қий зиддиятлар келиб чиқ- қан тақдирда, тегишчица Олий Мажлис Қонунчилик па- латаси депутатлари ва Сена- ти аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овозлари олинганида парла- мент Бош вазирга нисбатан ишончсизлик хотини чиқари- ши мумкин. Бу ҳолда мам- лакат Президентини Бош вазир- ни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қила- ди. Ишончсизлик хотинининг қабул қилиниши бутун ҳуқу- матнинг истеъфоба чиқишига олиб боради. Ушбу институт қонунлар ижро этувчи хоқимият органларини томонидан



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ИСЛОХ ЭТИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТИ

Авал хабар қилинганидек, кеча пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллигини таъминлаш, юртимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги савъ-ҳаракатларимизни жадаллаштиришга, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялашнинг қонуний асосларини тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор масалалар кўриб чиқилмоқда. Ана шундай муҳим масалалардан бири сенаторлар томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)» ги Қонундир. Мухбиримиз танаффус пайтида мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

А. СУЛТАНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси аъзоси:
— Президентимизнинг бевоқос ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва сенаторларимиз томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)» ги Қонун, ҳақиқатан ҳам, мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг роли ва масъулигини оширишда янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.

Хусусан, Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан Президентга таклиф этилиши кўзда тутилмоқда. Бу сиёсий партиялар, умуман, парламент ҳаётида ўта муҳим ўзгаришидир. Маълумки, амалдаги қонунчиликда, Бош вазир номзодини кўрсатиш учун илгари қанча депутатлик ўринини эгаллаганлигидан қатъи назар, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги ҳамма фракциялари билан маслаҳатлашув ўткази- ши белгиланган. Янги тузатишларга кўра, кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партияга ҳуқуқ берилмоқда. Бу, албатта, сиёсий партияларни янада фаоллик кўрсатишга, сайловларга жиддий тайёрланишга, кўпроқ депутатлик ўринини олиш учун ҳаракат қилишга ундайди.

Бу тартиб-таомил, эътиборли жиҳа- ти, дунё парламентаризми гоёлари билан, айни пайтда «ўзбек модели» нинг тамойиллари ҳам уйғундир. Буни хо- рижий давлат ва жамоат арбоблари, танкичи сиёсатшунослар, йирик эксперт- лар, ҳуқуқшунос ва мутахассислар юқори баҳолашаётганини ОАВ орқали кўриб-билиб турибмиз. Шу боисдан ҳам сенаторлар мазкур тузатишларни бир овоздан маъқуллашди.

Ш. ХАМРАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси:
— Маълумки, Олий Мажлис палата- лари бугунги кунда мамлакатимизнинг беш миллияри ҳужжати — Давлат бюджетини тасдиқлаш, унинг асосий пара- метрлари ижросини назорат қилиш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Бу- дай назорат-таҳлил тадбирларида Дав- лат бюджетини шакллантириш, унинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратил- моқда. Ялпи мажлисда маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституция- сининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)» ги Қонун парламентнинг, айниқса, Сена- тининг бу борадаги ваколатларини янада кенгайтираётганини таъкидлаш лозим. Чунончи, унга мубофик, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена- тининг мутлақ ваколатлари рўйхатида Ўзбекистон Республикаси Президенти- нинг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси лавозимига тайинлаш ва ундан озод этиш ҳақидаги фармо-

нинг тасдиқлаш ҳам киритилди. Ўзбеки- стон Республикаси Ҳисоб палатаси ўз фаолияти давомида мамлакат Президенти ва Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисоб беришини иноватга оли- диган бўлсақ, Сенат мутлақ ваколатла- рининг кенгайиши Давлат бюджети ҳа- ражатларининг мақсадли ва самарали сарфланиши ва натижада, аҳоли фаровонлиги юқалишига замин яратди. Энг муҳими, сенаторларнинг масъули- ятини оширади.

Н. АЙМБЕТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси аъзоси:

— Конституцияга киритилаётган ту- затишлар мамлакатимизда давлат қури- лиши ва бошқаруви соҳасидаги исло- хотларнинг асосий мақсади — давлат хоқимияти тизимининг барча тармоқ- лари фаолиятининг масъулияти ва са- марадорлигини ошириш бўйича босқич- ма-босқич ҳаётга таъбиқ этила- ётган ислохотларнинг мантиқий даво- ми, десак, муболага бўлмайди. Давла- тимиз раҳбарининг ушбу қонунчилик ташаббуси, ўз мазмун-моҳиятига кўра, мутлақ давлатимизни демократик ри- вожлантиришга, қучли фуқаролик жа- мияти барпо этишдаги янги босқичнинг бошланиши бўлиб, мамлакатимиз учун тарихий аҳамиятга эга ўзгаришларга за- мин яратди. Мазкур ҳужжат давлат хоқимияти ва бошқаруви тизимини яна- да демократлаштириш, давлат хоқимия- тининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чикарувчи ва ижро этувчи хоқимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, шунинг- дек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиё- сий ислохотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда парламентнинг, сиёсий партия- ларнинг роли ҳамда таъсирини кучай- тиритишга қаратилган. Шу ўринда Кон- ституцияга киритилаётган аҳоли муво- фики, парламент ҳуқуматини шакл- лантириш ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишнинг таъсир- чан конституциявий-ҳуқуқий воситаси- га эга бўлаётганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

БЕТАҚРОР ИЖОД ЗАВҚИ

Ҳақиқий истеъдод эгалари табиат ато этган қобилиятларини ҳамisha эзгуликка хизмат қилишга бағишлайдилар. Шу маънода, ўзбек адабиётида миллий ва умуминсоний кадриятлар ривожига, халқимиз маънавий оламиини бойитишга улкан ҳисса қўшаётган иқтидорли иждоқларимиз меҳнатини ҳар қанча эътироф этиш мумкин.

Сана

Бу ҳақда гап борар экан, Президентимиз Исро Каримовнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, ке- лажаққа эътибор» деб ном- ланган рисоладаги мана бу сўзлар, айниқса, юқсақ аҳа- миетга эга: «Табир жоиз бўлса, одам ёзувчилик касбини тан- ламайди, аксинча, бу касб ёзувчининг танлаёди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор ис- теъдод соҳибларини топши, тарбиялаш ва уларнинг ме- хнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айлан- иши зарур». Истиқлол йилла- рида иждоқ аҳлига кўрсатила- ётган беқиёс гамўрлик зами- риди давлатимиз раҳбарининг ана шу эзгу мақсад-муддо- лари муҳассамдир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исро Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Сизнинг Тохоку худуди яқинида Тинч океанида рўй берган zilzila муносабати билан йўллаган чуқур ҳамдардлик сўзларингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Япония ҳуқумати zilzilадан зарар кўрган худудлар аҳолиси ва бутун халқимиз билан биргалиқда ушбу огир даврни енгиб ўттиш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этади.

Камоли эҳтиром билан,
Наото КАН,
Япония Бош вазири.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Исро Республикаси Бош вазири Юсуф Ризо Гилоний 25 март кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Диловор Тошмухамедова билан учрашди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мулукот чоғида Ўзбеки- стон билан Покистон ўртаси- даги алоқалар кўплаб йўна- лишлар қатори парламента- ризм соҳасида ҳам изчил ри- вожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувариде эришилган келишувар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Покистон олий қонун чика- рувчи органлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир маса- лалар муҳокама қилинди.

Шу кун Юсуф Ризо Гило- ний Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Юқори мартабали меҳмон ҳури- ятимиз, порлоқ истиқболчи- миз ва эзгу ниятларимиз рами- з бўлган Мустақиллик ва эз- гулик монументи пойма гул кўйди. Президентимиз раҳна- молигида мамлакатимизнинг бош майдониде амалга оши- рилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқсақ баҳо берди. Покистонлик меҳмон Тош- кентдаги Турин политехника университети ҳамда ахборот технологиялари касб-хунар коллежи фаолияти билан танишди. Покистон Бош вазири Ҳаз- рати Имом (Ҳадистом) маж- муиде ҳам бўлди. Ушбу маж- муанин бунёд этилиши мам- лакатимизда миллий кадрият- ларни тиклаш ва аждодлари- миз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амал- га оширилаётган кенг қўлам- ли ишларнинг самараси экан- лиги алоҳида таъкидланди. Юсуф Ризо Гилоний Ўзбеки- стон муслмонлари идорасин- инг кутубхонасиде сақлана- ётган муқаддас Куръоннинг ноёб нусхаси — Усмон Мус- хафини кўздан кечирди.

(Ўза).

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКЦИДТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ҲН САККИЗИНЧИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2011 йил 25 март кун Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Минтақавий акцидтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги Ҳн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қўрағон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашига ШХТ МАТТнинг 2010 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди, ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Ж. М. Жуманбековнинг ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010 — 2012 йилларга муължалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахбороти тинланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

ШХТга аъзо давлатларнинг Қозоғистон Республикасига 2011 йил 15 июнда Остона шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Таш- килотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши мажлисини, Хитой Халқ Республикасига Шэньчжэнь шаҳрида XXVI эзги университидани (2011 йил) ҳамда Урумчи шаҳрида биринчи «Хитой — Еврооосиё» ярмаркасини (2011 йил) ўтказишда хавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш бўйича қўшма чора- тадбирлар ишлаб чиқилди. Терроризм таҳдидига қарши кураш бўйича кенг қамровли шериклик тармоғини ташкил этиш мақсадида халқаро ва мин- тақавий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш доирасида ШХТ МАТТ ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши Акцидтерро кўмитаси, шунингдек, Коллектив Хавфсизлик Шарт- номаси Ташкилоти Котибияти ўртасида ҳамкорлик тўғриси- даги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ

Тежамкорлик ва замона- вийлик ҳар қандай соҳа ри- вожида муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун, бугунги кунда автомобилсозлик билан шуғулланаётган компа- ния ёки корхона борки, уларнинг барчаси ушбу та- лабларга жавоб берадиган махсулот ишлаб чикаришга ҳаракат қилмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, ал- батта. Бу, аввало, автотранс- порт воситаларига эҳтиёж ортиб бораётгани билан изоҳлана, иккинчидан, кор- хоналарнинг рақобат майдон- ида ўз ўрини мустаҳкамла- шга бўлган интилиши на- тижасидир.

Аммо кейинги йилларда ав- тотранспорт воситаларининг табиатга, анкироғи, улар ёнил- гисидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш дол- татранспорт воситаларининг табиатга, анкироғи, улар ёнил- гисидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш дол- татранспорт воситаларининг табиатга, анкироғи, улар ёнил- гисидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш дол- татранспорт воситаларининг табиатга, анкироғи, улар ёнил- гисидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш дол- татранспорт воситаларининг табиатга, анкироғи, улар ёнил- гисидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш дол- татранспорт воситаларининг табиатга, анкироғи, улар ёнил- гисидан чиқаётган зарарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш дол-

Модернизация

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомга мувофиқ, 2011 йилда бериладиган Давлат мукофотлари учун тавсиялари қабул қилиш ҳақида 2010 йилнинг октябрь ойида марказий газеталарда эълон қилинди.

2010 йилнинг октябрийдан 2011 йилнинг январигача бўлган муддатда Давлат мукофотлари учун фан ва техника соҳаси бўйича 28 та, адабиёт соҳаси бўйича 10 та, санъат ва меъморчилик соҳаси

бўйича 16 та тавсия қабул қилинди ва уларнинг барчаси атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2011 йилда бериладиган Давлат мукофотлари тавловига қўйилган ишлар кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун қўйилганини маълум қилади:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотига:

1. М. П. Юнусов, Т. А. Раҳимжонов, Х. А. Сайдахмедов. Газ ва нефтни қайта ишлаш жараёнлари учун маҳаллий катализаторлар технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Газ ва нефтни қайта ишлаш саноати учун илк бор бир қатор янги, маҳаллий ва дунё бозорига рақобатдош катализаторлар технологияси яратилиб, уларни саноат асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

"Максам-Чирчик" очик акциядорлик жамияти, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти томонидан тавсия этилган.

2. А. А. Абдуллаев, Ж. А. Мусаев, С. М. Ризаева, В. П. Клят. Ёзуа генофонди — пахтачиликдаги фундаментал, амалий тадқиқотларнинг базаси ва истиқболли ривожининг асоси.

Ўсимликлар дунёсига хос биохимилликнинг ноёб коллекциясини ўрганиш доирасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижасида гўзанинг систематикаси, эволюция ва филогенияси борасидаги муаммоларнинг ечими топилиб, бир қатор районлашган истиқболли гўза навлари яратилган ва пахтачилик амалиётига татбиқ этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспе-

риментал биологияси институти томонидан тавсия этилган.

3. А. А. Абидов, И. Х. Халисма-тов. Углеводород конларини излаш учун истиқболли майдонларни аниқлаш услуби.

Замонавий миксгенетик синтез концепциясига асосланган ҳолда, катта захирага эга бўлган углеводород конлари жойлашувининг илмий асосланган усули ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат техника университети томонидан тавсия этилган.

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотига:

1. А. Расулов. "Танқид, талқин, баҳолаш", "Бадиийлик — безавол янгилик" ва "Бетакрор ўзлик" асарлари.

Адабиётшуносликка оид асарлар тўплами.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекис-

тон Миллий университети томонидан тавсия этилган.

2. Н. Фозилов. "Топдиму йўқотма-дим" асари. Хотира ва ҳикоялар тўплами.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган.

3. Х. Сайдуллаев (Ҳабиб Саъдулла, марҳум). "Танланган асарлар" ва "Истиқлол достони" китоблари. Шеър, дoston, девон ва драмалар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тавсия этилган.

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотига:

1. А. В. Нуриддинов (Акмал Нур). "Аҳли дил" асарлар туркуми.

Рангтасвир асарлар туркуми.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тавсия этилган.

2. В. И. Бурмакин. Рангтасвир асарлар тўплами ("Шердорнинг намоён бўлиши", "Шарқона шаҳар", "Тунги Самарқанд", Ўзбекистон Республикаси Сенати биноси ва Тошкент аэро-

портидаги монументал рангтасвир асарлари).

Рангтасвир асарлар тўплами.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тавсия этилган.

3. А. Р. Тохтаев, И. Жабборов, Р. Ш. Ерметов. Тошкент шаҳрида барпо этилган "Мустақиллик ва эзгулик монументи" ва "Эзгулик аркаси" мажмуаларида амалга оширилган меъморий ва мо-

нументал санъат йўналишидаги ишлар.

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан тавсия этилган.

4. А. Ҳ. Авазхўжаев. "Ўзбекистон спорти" туркумидаги телефильмлар.

Телефильмлар туркуми.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбектелефильм" давлат унитар корхонаси томонидан тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхона ва ташкилотлар, илмий муассасалар, таълим муассасалари, илмий-техник жамиятлар, олимлар ва мутахассислар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари, архитекторлар ҳамда кенг жамоатчиликдан муҳокамага қўйилаётган ишлар ва уларнинг муаллифлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди.

Барча тақризлар, фикр ва хулосалар, муҳокама натижалари фан ва техника соҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юборилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кучаси, 70-уй, 322-хона. Тел.: (371) — 233-59-46.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги манзили: 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик — 5. Тел.: (371) — 233-94-99.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

27 март — Халқаро театр куни



Истиклол йилларида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш борасида беқиёс ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

ЮКСАК БАДИИЯТ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Маълумки, мамлакатимизда Халқаро театр куни байрамона нишонланади. Бу аънаваный айём республикаимизда фаолият юритаётган 37 та театримиз ишига ижобий таъсир кўрсатиб, маънавий ҳаётимизнинг янада бойишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда Халқаро театр куни муносабати билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида илк мартабада "Саҳнада замон қаҳрамони" деб номланган республика театрлар фестивали уюштирилмоқда.

ғиб қилиш, она-Ватан қаҳрамонлари образини, уларнинг фидокорона меҳнати, изланиши, бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини ёш авлод қалбига синдириши, томошабинларнинг маънавий оламини бойитишга қаратилган.

Айтиш жоизки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавиятимизни юксалтириш йўлидаги бу каби саъй-ҳаракатлар замирида юксак мақсад ва мудоалар мужассам. Зеро, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ҳамда мафқуралар таъсиридан ҳимоя қилишда санъатнинг ўрни беқиёс.

Шу маънода, Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридаги ушбу фикрлар соҳа вакиллари учун муҳим дастуриламалдир: "...юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғурилган асарлар яратиш — барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Спорт

Кураш мурасасиз кечди

Бухоро шаҳрида 1991 — 1992 йилларда туғилган ёшлар ўртасида самбо бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда 150 нафардан зиёд полвон иштирок этди.

Айтиш жоизки, беллашувлар ҳар қачонгидан кўра мурасасиз кечди. Буни шу йилнинг ёзида Тошкентда ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Осиё чемпионати ўтказилиши ва унда ўз вази тоифасида энг кучли деб топилган полвонлар мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиши билан изоҳлаш мумкин.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўқувчиларга тўхфа

Юртимизда Наврўз шивуҳи кезиб юрган айни кунларда Асака туманидаги 7-умумтаълим мактабида замонавий спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бунинг учун тумандаги "Қурилиш монтаж безак" маъмулият чекланган жамияти буюмлари томонидан 147 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЎН ЖАМОАСИ. Наврўзи олали билан санъатий таъбирларини! Наврўз айёмида юзингиздан нур, лабингиздан табассум, хонадонингиздан ризқу барака асло аримасин!

ИСТЕЪДОД, ИНТИЛИШ ВА РАҒБАТ

Кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан аънаваный ўтказиб келинаётган "Педагогик грантлар дастури" ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда умумий, ўрта махсус, касб-хунара, олий таълим тизими мутахассислари, ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, тегишли вазирликлар ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

ларни рағбатлантириш, соҳада фаолият олиб бораётган ходимларни моддий ва маънавий томондан

Танлов

қўллаб-қувватлаш, уларнинг касб маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди. Қолаверса, ушбу Дастур асосида ажратилаётган грант маблағлари ўқитувчиларга очик дарслар ишлаб чиқиш, интерактив усулларни янада такомиллаштириш, янги инновацион лойиҳаларни яратиш ҳамда илмий изланишлар олиб боришда кўл келмоқда.

Тақдирлаш маросими аввалида лойиҳа иштирокчилари махсус тадбирларда қатнашиб, ўзаро тажриба

алмашиш имконига эга бўлдилар. Улар учун ўқув машғулоти, таълим тизимида интерактив усулларнинг ўрни мавзусидаги муҳокамалар, энг яхши лойиҳалар тақдимотлари ташкил этилди.

— Фарзандларимизнинг пухта билимга эга бўлиши баробарида уларни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш масаласи ҳам жуда муҳимдир, — дейди танлов ғолибларидан бири, Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги касб-хунара коллежи ўқитувчиси Абдуқадир Юсупов. — Қўвонарлиси, бугун тизимда устоз-шогирдлик аънаванасига асос солинди. Бу жараёнга дарсларни замон талаблари даражасида ташкил этишга, доимий изланиш ва янгилик яратишга қодир бўлган фан ўқитувчилари жалб қилинмоқда.

Тадбирда ғолибларни қўлга киритган 50 нафар педагогга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ирода Блинкова, бухоролик Нодир Расулов ва Лутфия Рўзиева ҳамда самарқандлик Фотима Ғуломова ғолиб деб топилди. Кўргазма-ярмарка доирасида санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача фойз бағишланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кеча, шунингдек, "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркаси якунланди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталирининг "Ijod" уюшмаси ҳамда "Устозода" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан юз нафардан зиёд уста-хунармандлар иштирок этди.

Бу йилги кўргазма-ярмаркада халқ амалии санъати ва хунармандчилигига оид миллий меросимиз тарихи, мазмун-моҳияти, йўналишларини ёшлар онгу шуурига етказишга, "Устоз — шогирд"

ЎЗ СТЕНДИНГИЗГА ЭГА БЎЛИНГ! 2011 йил, 29-31 март «Ўзбекистон маркази» Тошкент, Ўзбекистон worldfood UZBEKISTAN 11-ЎЗБЕК ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ кафедраларида қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади:

Ташкилот «MOTOROLA», «VERTEX», «ASELSAN», «POSBON» радиостанциялари, телефон аппаратлари, тезкор алоқа пульталари, станциялари, сигнал-овоз кучайтириш мосламалари учун

ОБ-ҲАВО (26 март) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 1-6, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

«МЕҲРЛИ САВДО» ШУЎБА КОРХОНАСИ 2011 йилнинг II чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Реклама ва маркетинг бўлими етакчи мутахассиси Ҳасан Шерматовга падари бузруквори ҚОДИРАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 05.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Қ. Хидиров. Мусаҳҳах — С. Исмолов. ISSN 2010-8788 1 2 3 4 5